



20 20 у « 30 » сентябрь

№ Қ-550

« ___ » _____ 20 ___ г

Қумқўрғон тумани С.Бойматов массиви “Тўғон”
махалласи ҳудудида фаолият юритаётган
“Qumqo'rg'on Agro yuksalish” қуёнчиликка
ихтисослашган фермер хўжалигига “Қуёнхона”
қуриш учун рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/631-сон йиғилиш баёни, Қумқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 11 августдаги 211/01-36-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/631-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Қумқўрғон тумани С.Бойматов массиви “Тўғон” маҳалласи ҳудудида фаолият юритаётган “Qumqo'rg'on Agro yuksalish” қуёнчиликка ихтисослашган фермер хўжалигига қарашли қишлоқ хўжалик харитасининг 7қ-дала контуридаги 0,15 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонида қуёнчиликни ривожлантириш мақсадида енгил конструкцияли “Қуёнхона” қуришга доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан рухсат берилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Қумқўрғон тумани ҳокимлиги (Р.Гаппаров) рухсат берилаётганлиги муносабати билан туман ер ҳисоботида ва ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов